

Вилоятда ёшлар учун яратилаётган кулай шароитлардан оқилона фойдаланилаётганлиги натижасида умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритаётганлиги эътирофга лойиқ.



Ҳайитвой эртаси кунiek 10 минг долларни ўз қўллари билан опага келтириб берди. Шу-шу деярли ҳар шанба-якшанба болаларни олиб, дала ҳовлига келадиган бўлишди. Шундай кунларнинг бирида қутилмаган воқеа рўй берди...



Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan чиқа бoshлаган

www.huquq-gazeta.uz

2014-yil 10-aprel, №15 (900)

Бош прокуратурада

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Идоралараро комиссия йиғилиши

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда унинг доимий фаолият кўрсатувчи тахлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ходимлари, Фарғона ва Навоий вилоятлари ҳокимлари, прокурорлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари қатнашган мазкур йиғилишда ушбу вилоятларда одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама этилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Фарғона ва Навоий вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари, мазкур ҳудудлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бу борадаги қонунчилик ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Жумладан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унинг оғир оқибатлари ҳақида аҳолини хабардор этиш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинган. Бу мақсадда чегара ҳудудларда ҳамда жамоат жойларида одам савдоси жиноятларидан оғоҳ этувчи кўргазмалар тарғибот ва ташвиқот воситаларини ўрнатиш ҳамда тарқатишга алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, сўнгги йилларда ушбу ҳудудларда одам савдоси жиноятининг камайиши кузатилган.

Шу билан бирга, Фарғона ва Навоий вилоятларидаги айрим туман ҳамда шаҳар комиссиялари фаолияти етарли самара бермаганлиги, одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид остига олинди.

Тадбирда жойларда ҳудудий идоралараро комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан бу борадаги фаолият янада жадаллаштирилиши, ўзаро ҳамкорлик кучайтириши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибдаги масалалар юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилиш якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилиниб, ижро учун тегишли идораларга юборилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси

Тадбир

Давра суҳбатида қонун муҳокамаси

Тошкентдаги Юристар малакасини ошириш марказида "Конституциявий ислохотларни амалга ошириш жараёнида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Йиғилишда парламент аъзолари, илмий ва юридик жамоатчилик вакиллари, экспертлар, судьялар, адвокатлар ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламентга киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)" ги Қонуннинг қоидаларини атрофлича муҳокама қилишди. Давра суҳбати иштирокчилари қонуннинг давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши конституциявий принципини изчиллик билан амалга ошириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг мустақиллигини, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфатлар мувозанатини сақлаш тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашдаги аҳамиятини таъкидлашди.

Тадбирда Конституциянинг янги тахрирда тақлиф этилаётган 98-моддасига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ҳокимияти субъектлари — Президент, парламент, ҳукумат ўртасидаги ваколатларни мақ-

бул равишда тақсимлаш талабларини инобатга олган ҳолда, ушбу моддада Вазирлар Маҳкамасининг вазифалари ҳамда ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда. Айни пайтда мазкур модданинг нормалари, бир томондан, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тартибга солуви бир қанча қонун ҳужжатлари қоидаларини конституциявий даражага кўтариб, иккинчи томондан, ҳукуматнинг ваколатларини кенгайтиради ва аниқлаштиради, бу ваколатларни амалга оширишнинг конституциявий механизmlарини белгилаб беради.

Конституциянинг мазкур моддасининг амалдаги тахририда белгилаб қўйилганидек, Вазирлар Маҳкамаси зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий сиёсат олиб бориш масъулияти юкланган. Энди унинг зиммасига молиявий, пул-кредит сиёсатини юритиш, шунингдек, фан, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масъулияти ҳам юкланмоқда.

Ана шу модданинг янги тахририда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-

нинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлисга маърузалар тақдим этиш мажбурияти ҳам белгиланмоқда.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллигини таъминлаш ва айни вақтда жавобгарлигини оширишга қаратилган бу қоидалар Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституциявий ривожланишининг манфиатий йўли, давлат ва жамият курилиш соҳасида олиб борилаётган босқичма-босқич, изчил ислохотлар талабидир.

Иштирокчилар конституциявий ислохотларни амалга ошириш соҳасида ривожланган демократик давлатлар тахрибасидан келиб чиқиб, шуни алоҳида қайд этилганлиги, Конституциямизга киритилаётган, давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш, парламентаризмин ривожлантиришда бениҳоя муҳим аҳамиятга эга мазкур ўзгарттиришлар энг замонавий, умумэтироф этилган демократик талабларга, халқаро ҳуқуқ принциплари ва стандартларига тўла жавоб беради.

Давлат ҳокимиятини демократлаштириш жараёни мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг етуклик даражаси инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич, изчиллик билан ривожланиб бормоқда.

Ўз мухбиримиз

Солиқ қонунчилигида тадбиркорларга берилган имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омиллири" номи маърузасида таъкидлаганидек, иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун кулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича

қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Хусусан, Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига доимий ва вақтинчалик характерга эга бўлган солиқ имтиёзлари белгиланди. Жумладан, Солиқ кодексининг 354-моддасига асосан, савдо ва умумий овуқатларни корхоналаридан ташқари, ягона солиқ тўловчи тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга

бўлиб, кечиктирилган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 356-моддасига кўра, ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база куйидаги йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилди:

— янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, махсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва сновларини ўтказиш учун комплекслар олиш-

га, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқоридики қаралган харажатлар амалга оширилган солиқ даврдан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йил ичида амалга оширилади;

— ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига белгиланди.

[Давоми 5-бетда]

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг солиқ имтиёзлари берилмоқда. Мутасаллам ташиқлотлар томонидан ноқонуний текширувларга йўл қўймаслик мақсадида "Текширув дафтари" тутигани ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган.

«Қайнар хумча» қайнашдан тўхтади

Шавкатбек ТЕМИРОВ,

Анджон вилоят прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

Болалигимизда "қайнар хумча" эртаги бўлар эди. Унда чол хумчага қараб: "Қайна хумча!" деса, хумчадан турли таомлару, тилла тангалар қайнаб чиқар эди...

Бу эртани эслаганимиз боиси, нафсининг гирдобига илинган айрим кишилар ўзи мансабидан фойдаланиб, баъзи бир содда тадбиркорларни "қайнар хумча"га айланттириб олишган. Ҳуқуқини яхши билмаган ёки фаолиятида билиб туриб камчилик ва хатоларга йўл қўйган бундай тадбиркорлар "белгиланган муддатда" "қайнаб туради".

Давлат солиқ инспекцияси ходими Дамир Валиев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўз мансаб ваколатини суиестемол қилган ҳолда, Булокбоши туманида яқна тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Раҳматжон Маматовга туман ДСИ ходимлари унинг дўконда текшириш ўтказмаслигини ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, 2011 йилнинг июнь ойдан 2013 йил январь ойига қадар жами 750 минг сўм ҳамда 100 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан сўмга қиратган.

Маъмуржон Одиллов туман ДСИ чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш бўйича бош инспектор қилиб тайинланган, у ҳам Д.Валиевнинг хунарини ишга солди.

Ўтган йилнинг март ойида Дамир ўзининг жиной ҳаракатларини давом эттириб, Маъмуржон билан олдиндан ўзаро жиной тил бириктириб, тумандаги яна бир тадбиркор Раҳимжон Одилловнинг дўконига боришди. Дамирнинг ташиқфларидан безиллаб қолган Раҳимжон ясама илтифот билан қаҳирланмаган меҳмонларни кутиб олди. Дамир кейинги вақтларда бошлиқларни тадбиркорларга "таништириш" йўлини ихтиро қилган эди. Унга кўра, танишув куруқ бўлмасди. Бошлиқ билан танишган тадбиркор иложсиз атаганини Дамир узаатарди.

Аслида биринчи танишувга мана бу воқеа сабаб бўлган эди. Давлат солиқ инспекциясининг "Ишонч телефони"га бир фуқародан Раҳимжоннинг дўконидан макарон махсулоти харид қилганини, сотувчи унга харид чеки бермаганилиги, махсулот эса сифатсизлиги ҳақида шикоят тушди. "Айни мундад" дея Маъмуржон ёнига амалиётчи йигитни олиб, қисқа муддатли текширув учун ҳужжатларни расмийлаштириб, Раҳимжоннинг дўконига келди.

Текширув натижасида 1 миллион 721 минг сўм нақд пул касса аппаратураги кирим қилинмасдан банкка топшириш юборилганлиги, қиймати 2 млн. 345 минг 500 сўмлик махсулотларнинг кирим ҳужжатлари йўқлиги аниқланди.

Раҳимжон Маъмуржонни четта тортиб, "Ака, доимо хизматларини қилиб тураман, ёпиқлик қозон ёпиқлигична қолсин, келишиб олайлик", деди. "Сиз қандаш нимани келишимиз, камчиликлар қўлу-қу, қаёси бирини ёнамиз", деб жавоб қайтарди Маъмуржон. Шу вақт Д.Валиевнинг қораси кўринадди. Айби ошкор бўлганидан тиззаси қалтираётган Раҳимжон Дамирга мултиради. "Ака, бир нима қилинг энди, хизматингизни қилиб юрган одамимиз", деди. Еган оғиз уялар, деганларидек, у "жавотир олмагн, ўзим келишаман", дея уни тинчлатди Дамир. Дамир Маъмуржонни дўконнинг четроғига бошлаб бориб, алланималарни узоқ тушунтирди. Ниҳоят бир тўхтамаг келишиди, шекилли, Раҳимжон томонга юра бошлади.

"Энди гап бундай, ака. Кўрдингиз, бошлиқнинг аранг кўндирдим. 500 кўқидан олиб келсангиз, иш сал енгиллашди, бўлмаса, қарийб икки ярим миллион сўмлик товарилингиздан айриласиз, бунинг устига касса аппаратураги кирим қилинмаган нақд пул тушуми бўйича энг кам иш ҳақининг 30 баробаридан 50 баробарига ҳамма тўлайсиз", деб ўртада даллоллик қилди Дамир.

Ана тортишувлардан сўнг, 100 АҚШ долларини тез фурсатда етказиш шарт билан 300 АҚШ доллариға "қелишув" бўлди. Унга кўра, қисқа текширув бошқача йўл билан тугатилди. Яъни Раҳимжоннинг дўсти харидор сифатида 30 дана тухум сотиб олди. Холис гувоҳ сифатида Раҳимжоннинг жияни ва фаррош аёл иштирок этди. Харидордан олган 10 минг 500 сўм пул касса аппаратураги кирим қилинмаганлиги ва назорат-қасса чеки берилмаганлиги расмийлаштирилди.

Бу орада Раҳимжоннинг "чопар"и келишилган миқдордаги пулни келтирди. 300 АҚШ доллари текширувчиларга берилди. Раҳимжон бу можаролар ҳақида тегишли жойга арз қилди. Шу тахлит икки олғир текширувчининг кирдикорлари фош бўлди. Суд уларга қонуний жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Фирибгарликка, порахўрликка йўл қўйганлар, албатта, жазосини олди. Лекин қонунни билла туриб, тартиб-қондан унутган тадбиркор фаолиятини қонун доирасида йўлга қўйса, ҳар қандай текширувчи келганда ҳам оёғи қалтирамайди.

«Аср вабо»сига қарши

Бугун жаҳон аҳлини ташвишга солиб келаётган глобал муаммолардан бири ҳисобланган гиёҳвандлик "асримиз вабоси" сифатида тез сурьатлар билан дунё бўйлаб кенг миқёсда тарқалиб бормоқда. Мазкур иллатга қарши нафақат маълум бир минтақа ёки ҳудуд, балки дунё бўйича кенг қамровли кураш олиб бормоқда.

Шунга қарамай, дунё бўйича тахминан 80 миллиондан ортық одам гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлган. Таяккидлаш керакки, наркотик моддалар нафақат инсоннинг соғлиғига, балки руҳиятига ва ўзлигига путур етказиб, охир-оқибат уни ажал қомига улоқтириб юборди. Ўта оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлади. Гиёҳвандликнинг инсоният генофондига солаётган хавфи бугун ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда ҳам гиёҳвандликка қарши курашиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланганининг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 февралидан 1 мартга қадар "Ешлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш ойлиги" ўтказилди. Юртимиз бўйлаб ушбу ойлик доирасида тарғиб-тошвиқот ишлари ташкил этилди.

Қилинаётган саъй-ҳаракатларга қарамадан, юртдошларимиз орасида ўз манфаатини ҳар насадан устун қўювчи қимсалар гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш ва сотишни ўзларига касб қилиб олишгани ачинарли ҳол. Улар қаёси йўл билан бўлса-да чўнтақларини қаппайтиришни ўйлайдилар. Бундай қимсалар қаторига Аҳад Алиев, Машраб Мирсолиев ва Маҳкам Салимовларни (исм-фамилиялар ўзгартirilган) китритишимиз мумкин...

2013 йилнинг 11 октябрь куні фуқаро Маш-

Акмал УСМОНОВ,
Юнусобод туман прокуратураси катта терговчиси

раб Мирсолиев "Бек-барака" савдо мажмуасида таниши Аҳад Алиевдан 100 минг сўмга гиёҳвандлик воситасини сотиб олади. Эртаси куні у ушбу гиёҳвандлик воситасининг маълум қисмини 3 та гугурт қутисига жойлаб, таниши Маҳкам Салимовга 188 минг сўмга пуллаиди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тезкор тадбирда "Қуёшли" қўрғони ҳудудида Маҳкам Салимов тўхтатилиб текширилганда, унинг энгидаги спорт куртасининг ўнг чўнтағида келгусида сотиш мақсадида олинган 3 дана гугурт қутисидagi гиёҳвандлик воситаси борлиғи аниқланди. Шунингдек, ўтказилган тадбир давомида шу куні "Бек-барака" савдо мажмуасининг автоуловлар турар жойида гумонланувчи Машраб Мирсолиев тўхтатилиб, холислар иштирокида кўздан кечирилганда, унинг қўлидаги целлофан пакетда келгусида сотиш мақсадида Аҳад Алиевдан сотиб олган сифими 0,5 литр бўлган шиша идишида гиёҳвандлик воситаси ҳамда 188 минг сўм пул борлиғи аниқланди.

Судга оид қимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, Маҳкам Салимовдан олинган гугурт қутиларидаги модда "марихуана" эканлиғи, унинг оғирлиғи 7,3 граммга тенглиги, Машраб Мирсолиевдан олинган шиша идишдаги оғирлиғи 15,6 граммга тенг бўлган модда ҳам марихуана эканлиғи аниқланган.

Қилимиш — қидирмиш, дейдилар. Ўзгаларнинг соғлиғини ўйламадан, фақат мўмай пул топши илнжида бўлганлар қилмишларига яраша жазоларини олишди. Суд айбланувчиларнинг ҳар бирига 8 йил муддатга озодликдан ажрату қилиш жазосини тайинлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодийётини, аҳоли фаровонлиғини юксалтиришда етакчи кучга айланиб бормоқда. Шундай экан, уларга фаолиятини ташкил этиш ҳамма юриштиш учун шарт-шароит яратиш, яғни иш ўринлари яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, бу соҳага оид қонуналар ижроси устидан назоратни қучайтириш давр тақозосига айланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, иш ўринларини яратиш борасидаги мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари билан учрашув ва сўхбатлар ўтказишга, уларнинг муаммосини қонун доирасида жийда ҳал қилиш масаласига жийда эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бошқарма ва туман бўлиmlари томонидан ҳоқимлик, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан жойларда 39 та учрашув ўтказилиб, уларда 965 та тадбиркор қатнашди. Ушбу мулоқотлар натижасида тадбиркорлик фаолиятини юриштүвчиларнинг 22 нафарига рухсатнома берилишида, ҳужжатларни расмийлаштириш масаласини ҳал қилишда амалий ёрдам қўрсатилди, 143 нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва қасанчиликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қонуналар, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорларини фуқаро ва тадбиркорларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида 65 та маҳалла фуқаролар йиғинларида профилактика тарғиботи ишлари амалга оширилди.

Давр тақозоси

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруш органлари билан ҳамкорликда ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунарамандчиликни ривожлантиришга амалий ёрдам бериш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, бошқарма ва туман бўлиmlарида ҳоқимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилган фуқаролар, юридик шахслар ҳамда уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги доимий маълумотларни олиш, тадбиркорларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказишга боришида тезкор ажрату алмашинуви йўлга қўйилди. Бошқарма ва туман бўлиmlари томонидан олиб борилган ишлар натижасида 7 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 27 та иш ўринлари яратилди. Жумладан, "Тарновбоши" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари натижасида Ҳамза туманида яшовчи фуқаро М.Миролидовнинг "Maxmud Lavash Biznes" оилавий корхонасини туман ҳоқимлиғи ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида рўйхатдан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Сергели туманида ташкил этилган ҳуқуқ тарғиботи тадбири чоғида фуқаро У.Қосимов тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилди. Унга Сергели тумани, "Ҳабибий" маҳалласи ҳудудида нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиши учун давлат рўйхатини дав ўтказишда амалий ёрдам берилди.

Бошқарма ва туман бўлиmlари томонидан ҳоқимликлар, архитектура ва қурилиш бўлиmlари ҳамда ер ресурслари ва дав-

Ўткир ҚОБИЛОВ,
СВОЖЖДПҚК департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

лат кадастри хизматида тадбиркорлик фаолияти юриштиш учун ер ажратиш, ер майдонлари, кўчмаса мўлк объектларини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги мурожаатлар ҳал қилинишида суиестемолчилик ва бошқа қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш чоралари кўришмоқда. Жумладан, "Аъло Омад Ривож" МЧЖ раҳбари М.Қодирова ишчилар сонини кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришга 4 сотиш жой ажратишини сўраган. Мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилган, ҳозирги пайтда туман ҳоқимлиғи вакиллари билан биргаликда тадбиркорга жой ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Шунингдек, фуқаро М.Исмомилова туманда жойлашган истироҳат боғини ободонлаштириш учун ажратилиб берилишини сўраб мурожаат қилган. Ушбу мурожаатни ҳал этиш мақсадида хозирда туман ҳоқимлиғи билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Бошқарма ва туман бўлиmlариға ўрнатилган ишонч телефонлариға келиб тушган мурожаатларнинг алоҳида ҳисоби юриштилиб, ҳар бир мурожаатнинг тезкорлик билан ҳал этилиши ва унга жавоб берилиши таъминланмоқда. Жумладан, фуқаро Ф.Мавлонов Ҳунара туман бўлими ишонч телефониға мурожаат қилиб, туман ҳудудида умумий овқатланиш шохобчаси очишда амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган эди. Ушбу мурожаатга асосан қўрсатилган ёрдам туғайли Ф.Мавлонов раҳбарлиғида "Sehrii taom" МЧЖ ташкил қилиниб, 8 та янги иш ўрни яратишга эришилди.

Бепул уй кимларга берилади?

Мен II гуруҳ ногирониман. Ёшим 62 да. Узоқ вақтдан бўён турар жойга муҳтожман. Уй-жой сотиб олишга эса қўрбим етмайди. Уй-жой қонунчилиги бўйича турар жойни бепул олиш ҳуқуқим борми? А.Тўражонов, Марғилон шаҳри

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, ногиронларга ва ўз таркибида ногирон бор оилаларга уй-жой бериш, уларнинг уй-жой олиши, қуриши ва ундан фойдаланиши бўйича имтиёзлар уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади, дейилади.

Уй-жойга эга бўлмаган ногироннинг соғлигини реабилитация қилиш чора-тадбирлари натижа-сида интернат-уйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсати-шининг бошқа стационар муос-сасасида бундан кейин бўлиши-га зарурат қолмаган тақдирда, унга яшаш учун қулай уй-жой май-дониди берилади.

Болаликдан ногиронларга ҳамда бошқа I ва II гуруҳ ногирон-ларига турар жой уларнинг иш жойларига, даволаш-профиллак-тика муассасаларига ва транс-порт йўналишларига яқин бўли-ши зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Интернат-уйларда ёки ноги-ронларга ижтимоий хизмат кўрс-атишининг бошқа стационар муос-сасаларида турадиган етим ёки ота-она қарамоғидан махруми бўлган ногирон болалар вояга е-тганидан кейин ногиронни реабил-литация қилишнинг аққа тартиб-даги дастурига мувофиқ, агар дастурда ўзига ўзи хизмат кўрс-атиш ва мустақил турмуш тарзи олиб бориш имконияти назарда тутилган бўлса, уй-жой майдониди билан навбатдан ташқари таъ-минланади.

Шу билан бирга, 1994 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг “Давлат уй-жой фонди хусусийлашти-рилиши муносабати билан нор-матив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 325-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унда “Давлат уй-жой фондини хусусийлашти-риш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги, давлат уй-жой фондининг асосий қисми фуқа-роларнинг мулкига айланганлиги, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш шарт-шароитларининг ўзгарган-лиги муносабати билан ҳамда бозор муносабатларига ўтишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қоидаларини амалга ошириш мақсади кўзланган. Шу боис, мазкур қарор билан “Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланган бўлиб, унда меҳнат-га лаёқатсиз, ёлғиз, кечса шахс-лар, пенсионерлар ва уларнинг оила аъзолари, уй-жойга эҳтиё-жи бўлган биринчи марта қурил-ган ёш оилалар, фуқароларнинг бошқа кам таъминланган тоифа-лари учун, агар уларнинг жон бо-шига оладиган ойлик даромади энг кам иш ҳақидан паст бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси томонидан бел-гиланадиган рўйхат бўйича хусу-сийлаштириш ҳуқуқисиз ихара шартларида фойдаланиладиган мақсадли коммунал уй-жой фон-ди ҳисобидан яшаш нормаси қоидаларига риоя этган ҳолда тур-рар жой берилиши қўзда тутил-ган.

Ушбу Низомнинг 1-иловаси билан “Жон бошига ўртача ойлик даромади энг кам иш ҳақидан паст бўлган тақдирда ихарага олиш шартномаси бўйича комму-нал уй-жой фондидан турар жой бериладиган фуқаролар тоифа-ларининг Рўйхати” ҳам тасдиқлан-ган. Мазкур рўйхатга қуйидаги тоифадаги шахслар кириши қайд қилинган:

1. Иккинчи жаҳон уруши қат-нашчилари ва байналмилалчи жангчилар.

2. Офицерлар ва мuddатдан ташқари хизматдан захирага бўшатишган ёки истефого чиқ-қан ҳарбий хизматчилар.

3. Касалликнинг оғир шаклла-рига чалинган фуқаролар, Ўзбе-кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик тасдиқлаган рўйхат бўйича.

4. 16 ёшгача ва ундан зиёд бо-лалари бўлган қўп болали оила-лар.

5. Фирт етим болаларни васий-ликка олган оилалар.

6. Уч ва ундан зиёд меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган, боқувчисини йўқотган оилалар.

7. Ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронлари.

8. Кексайиб қолган ёлғиз пен-сионерлар.

9. Болаликдан ногирон бўлиб қолган 16 ёшгача ёки болаликдан I ва II гуруҳ ногирони бўлиб қол-ган болалари бўлган оилалар.

10. Биринчи марта қурилган ёш оилалар, агар улар яшаб тур-ган жойда икки томонлама турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож, деб топилсалар.

Албатта, бундай турар жойни олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун унга бўлган муҳтожлик ино-батга олинади. Қайд этилган ни-зомнинг 2-илувасида “Коммунал турар жой фондидан уй-жой би-лан таъминлаш учун фуқаролар-ни рўйхатга олишда зарур бўлган шарт-шароитлар Рўйхати” тас-диқланган бўлиб, турар жойга, шунингдек, турар жой шароитла-рини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш қуй-идаги шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда тегишли ҳоким-лик томонидан амалга оширили-ши белгиланган:

1. Турар жой майдонига эга бўлмаган, хусусий квартирада ёки яшаш учун яроқсиз уй-жой-лар (бараклар, вақтинчалик уй-лар, авария ҳолатидаги уйлар, ертўлалар)да яшовчи фуқаролар.

2. Ҳар бир оила азоси етти квадрат метрдан кам бўлган тур-рар жой билан таъминланганлар.

3. Ётоқхоналарда, ишлаб чиқа-риш ва ёрдамчи хоналарда яшов-чилар, мавсумий ва вақтинчалик ходимлар, шунингдек, ўқишлари сабабли ётоқхоналарга кўчиб ўтган фуқаролар бундан мустас-но.

4. Олоҳида шахсий счётта эга бўлган, қариндошлик алоқалари бўлмаган икки ва ундан қўп оила бўлиб, бир квартирада яшовчи-лар.

5. Олоҳида квартирада яша-шга муҳтож бўлган, республика Соғлиқни сақлаш вазирилик то-монидан тасдиқланган айрим су-румқали касалликларнинг оғир шаклларига чалинганлар.

Турар жой майдонини олиш учун навбатда туриш ҳуқуқига эга бўлган оладиган ойлик даромади:

— ёшига кўра, ногиронлиги ёки касаллиги туфайли пенсия-га чиққанда;

— оиласида боқувчисини йўқотганда;

— Ўзбекистон Республикаси-нинг Қуроли Кичлариди ҳарбий хизматни ўташга кетганда;

— чет элда ишлаш учун ва бош-қа ишга уюшган тарзда юборил-ганда сақлаб қолинади.

Фуқароларнинг тегишли ҳокимлик томонидан қабул қилин-ган аризалари дастлаб турар жой майдонини ҳисобга олиш ва тақ-симлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Комиссия ариза берувчининг турар жой шароит-ларини текшириб чиққандан ке-йин тегишли далолатнома тўз-да, ҳисобга қўйиш ёки рад этиш ҳақида таклиф киритади, у ҳоким-лик қарори билан тасдиқланади.

Тегишли ҳокимликнинг комму-нал уй-жой фондидан турар жой

бериш ҳақидаги қарори асоси-да тегишли ҳокимлик фуқарога тақдим этилган турар жойга кўчи-б кириш учун бирдан-бир асос бўладиган ягона намунадаги ор-дерни беради.

Ордер фақат бўш бўлган холис турар жойга берилиши мумкин.

Биринчи навбатда турар жой бузилиш ҳолатидаги уйларда, ер-тўлаларда, баракларда, турар жой майдонидан бири кишига 5 квадрат метрдан кам бўлган квартиралар-да яшаётган фуқароларга бери-лади.

Фуқаролар турар жой олиш учун ҳисобдан қуйидаги ҳоллар-да чиқариладилар:

— ҳисобга олингандан кейин турар жой шароитлари яхшилан-ган бўлса;

— аҳоли яшайдиган бошқа жойга доимий яшаш учун кўчиб кетган бўлса;


— ҳисобга олиш учун асос бўлган сабаблар бекор бўлганда; — турар жой шароитларини ях-шилашга муҳтожлиги ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар берилганда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси-нинг 19-моддасига мувофиқ, турар жойлари авария ҳолатида эканлиги ёки табиий офатдан зар-р кўрганлиги белгиланган тарти-бда тан олинган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси томонидан бел-гиланган тартибда текинга уй-жой берилади.

“Давлат уй-жой фондини хусу-сийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нининг 7-моддасида белгиланган қоидага биноан, фуқароларнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйи-лиши муносабати билан уйлари бузилиши натижасида, агар уларга бузилган уйлари эвазига пул товони тўланмаган бўлса, давлат уй-жой фонди уйларидан олган турар жойлари, шунингдек, табиий офатлар оқибатида уйлари бузилиши муносабати билан олган квартиралари, бу кварта-рлар қачон эвартилганидан қатъи назар, уларга ёки уларнинг му-носибларига текинга берилади.

Уй-жой кодексининг 27-модда-сига мувофиқ, ер участкаларини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш муносабати билан фуқаролар мулкига бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шу-нингдек, ушбу уйларда (квarti-раларда) доимий яшаётган фуқа-роларга уларнинг хоҳишига бино-ан ва тарафлар келишувига кўра, барча қулайликлари бўлган, ав-валгисига тенг қиймати уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси-дан кам бўлмаган сахндаги бош-қа турар жой мулк қилиб берила-ди ҳамда дов-дарахтларнинг қий-мати тўланади ёхуд бузилаётган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) қиймати берила-ётган турар жойнинг қийматидан ортиқ бўлган ҳолда, бу фарқ мул-қдорга компенсация қилиниши лозим.

Шу билан бирга, мазкур ко-дексининг 28-моддасида айтили-шича, ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда, фуқароларнинг мулк-кида бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда, мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шу-нингдек, ушбу уйларда (квartiра-ларда) доимий яшаётган фуқаро-ларга уларнинг хоҳишига кўра, яқка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даври-га икки йилгача мuddат билан ихара шартномаси асосида вақ-тинча уй-жой берилиб, бузилаёт-ган уйлар (квартиралар), иморат-лар, иншоотлар ва дов-дарахтлар-нинг қиймати тўлиқ қопланади.



Шахс судланганда...

Менинг дўстимга нисбатан 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши очилаиб, иш ҳужжатлари суғга етиб бормасдан прокуратура томонидан ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра айб-лик масаласи ҳал қилинмасдан туриб, жиноят иши ту-гатилган.

Ушбу ҳолат бўйича дўстим судланган ҳисобланадими? Умуман судланганликни бекор қилиш мuddатлари борми?

Судланганлик қариндошлик даражасига қараб ким-ларга ва қайси ҳолатларга таъсир қилади ёки қилмай-ди?

Р.Мамадалиев, Богдод тумани

Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, амнистия ак-тини қўллаш масаласи, жиноят процесси bosқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан хал этилади. Ишни судга қадар юритиш bosқичида — амнистия актига асо-сан гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги прокурор илтимоснома-сини кўриб чиқиш ҳам шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасида, судланганлик шахсининг содир этган жино-яты учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир, дейилади.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний қучга кир-ган кундан бошлаб шахс судланган, деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судлан-маган, деб ҳисобланади.

Судланганлик ушбу кодексда назарда тутилган ҳол-ларда ва шахс янги жиноят содир этганданига ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик мuddатининг ўтиб кетганлиги ёки суд-ланганликнинг олиб ташлиниши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бун-дай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек, содир этилган жиноят учун тайинланган жа-зонинг ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугаллиниши белгиланган бўлса, шахс судланмаган, деб ҳисобланади.

Судланганликнинг тугаллинишига тўхталадиган бўлсақ, ЖКнинг 78-моддасига мувофиқ, шахсининг суд-ланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

- а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муда-ти тугаган кундан бошлаб; б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмага жўна-тиш тартибдаги жазоларини ўтаб чиққан; в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шу-нингдек, муайян ҳуқуқдан махруми қилиш ёки ахлоқ тў-затиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтган; г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтган; д) беш йилдан қўп бўлмаган мuddатга озодликдан махруми қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтган; ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан қўп бўлма-ган мuddатга озодликдан махруми қилиш жазоси ўтал-ганидан кейин — ўн йил ўтган.

Шахсининг судланганлик ҳолати унинг қариндош-ла-рига нисбатан бирор-бир тарзда таъсир кўрсатиши қонунчиликда белгиланмаган.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга таъриблик ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Келажагимиз пойдевори

Мустақил юртимизда келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб- voyга етиши учун барча шарт-шароитларни яратишга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Болалар ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бунинг яққол ифодасидир. Ўз навбатида вилоятимиз прокуратураси органлари томонидан voyга етмаганларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бошқа соҳаларда қаролатилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш борасида мунтазам иш олиб борилмоқда.



Аскар СУВОНОВ, Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Ўтган йилги фаолиятимизга назар ташлайдиган бўлсак, voyга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 192 та текшириш ва назорат тадбирлари ўтказилди. Уларнинг натижасига кўра 494 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилди, шу жумладан, қонунбузилишлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида ташилотлар раҳбарлари номига 123 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 21 та протест келтирилди, мансабдор шахсларнинг 248 нафара интизомий, 125 нафара маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда жиддий қонунбузилишлар бўйича 27 та жиноят иши кўзгатилиб, 6 нафар шахсага қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огохлатирув эълон қилиниб, voyга етмаганларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга 29 та давво аризаси киритилди ҳамда 7 млн. 97 миң сўмлик моддий зарар ихтиёрый равишда ундирилди. Назорат тадбирлари давомида 18 нафар voyга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйининг 6 нафар битирувчилари турар жой билан таъминланди.

Вилоятда ёшлар учун яратилаётган кулай шароитлардан оқилона фойдаланилаётганлиги натижасида умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таъли-

ми муассасалари ўқувчилари фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритаётганлиги эътирофга лойиқ. Масалан, 2013 йилда ўтказилган фан олимпиадасининг Республика босқичида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида иборат вилоят вақилларини фахрли 2-ўринни эгаллади. Ташкент шаҳрида қимё фанидан ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида Навоий шаҳридаги академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси Ж.Азамов тиббиёт йўналишида олий таълим муассасасига имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан ташқари, вилоятда ўқувчиларнинг замонавий талаблар асосида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда билим олишлари учун кулай шароитга эга таълим масканлари, етук ва баркамол авлод бўлиб улғайишлари учун бир қанча спорт иншоотлари капитал таъмирланди, янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги умумтаълим мактабларида 4 млрд. 600 млн. сўмдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси ва voyга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссияси ҳамкорлигида "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган, ИИБнинг профилактик ҳисобидида турувчи ўқувчилар билан

индивидуал ишлаш, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, улар тарбиясига "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар Дастури ҳамда 2012-2013 йиллар давомида voyга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқ тарғиботини амалга ошириш бўйича тузилган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режасининг ижроси таъминлаб борилаётганлиги натижасида вилоятда voyга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ўтган йилга нисбатан камайишига эришилди. Профилактика тадбирлари натижасида 274 нафар voyга етмаганлар намунали хулқ-атвориға кўра, фарзанд тарбиясида ва оилавий муҳитни яхшилашда ижобий томонга ўзгарган 42 та нотинч оила профилактик ҳисобдан чиқарилиб, тарбияси оғир, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ИИБ профилактик ҳисобида турган voyга етмаганларга таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш идораларидан ва яшаш жойида маҳаллалардан таълим-тарбиясига дахлдор, яхши обрў-этиборга эга бўлган фуқаролардан мураббийлар бириктирилиб, улар томонидан тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, туман-шаҳар ҳокимликлари ҳузурдаги voyга етмаган-

лар ишлари бўйича комиссияларнинг ҳисоботи йиғилишлари ўтказилди. Йиғилишларда туман-шаҳар прокурорлари ҳудуддаги voyга етмаганларга оид қонунчилик аҳволи, voyга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг дарс ва ўқув машғулотларига тўлиқ қатнашишини таъминлаш, ўқиш даврида ишлаш мақсадида хорижий давлатларга чиқиб кетганларни таълимга қайтариш, қизларнинг шаръий никоҳ орқали турмуш қуришининг олдини олиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасидаги галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Вилоят прокуратураси органлари, voyга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар ҳамда ички ишлар органлари томонидан ўтказилган рейдларда voyга етмаган шахсининг тунги вақтда ота-онасининг бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсининг қузатувсиз кўнгилчиш жойларига бўлишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этишга эътибор қаратилди. Рейдлар давомида ҳуқуқбузарлик содир этган кўнгилчучар масканларнинг 20 нафар раҳбарига маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Тадбиркорларнинг сафи

Тараққиёт асрида яшашимиз Инсоният юксак истиқбол ва муваффақиятлар йўлини босиб ўтмоқда. Дунёга чиқиш учун кенг йўл очилгани, албатта, ютуқларимиз салмоғи ортишига хизмат қилмоқда. Хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ривожланаётгани, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиллаётгани фикримиз далили. Аммо яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик қалам-бақалам юрганидек, дунё давлатлари ўртасида боран-келими алоқалари ривожланаётганидан ғараз мақсалда фойдаланишга уринаётган кимсалар ҳам учрамоқда. Одам савдосини ана шундайлар қилишни сифатида санаш мумкин.

Одам савдосига қарши курашиш борасида халқаро ва минтақавий доирадаги сазй-ҳаракатларга қарамай, муаммо долзарблригига қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, кўпгина мамлакатлар миллий қонунчилигида халқаро миқёсдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турлича талқин қилинаёттир. Бу эса соҳада ягона ёндашув мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Шу сабабли, уюшган жиноятчилик, хусусан, халқаро терроризм, наркобинес, курол-аслаҳаларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши кураш муаммоси миллий қонунчилигимизда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Яъни инсон шаъни, қадр-қиммати ва манфаатлари ҳар нарсадан устун саналган мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида устувор сиёсат юритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Шу муносабат билан амалдаги Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам муҳим чора-тадбирлар белгиландики, бу хавфли иллатга қарши кураш борасидаги фаолият ривожига хизмат қилмоқда. Мазкур Қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган

ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган давлат сиёсатининг ижтимоий таъминлаш мақсадида вилоятимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Наманган вилоят прокуратураси ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идораларо комиссияси томонидан 2014 йилнинг февраль-март ойлари вилоятда "Одам савдосига қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш олдига" деб эълон қилинган. Шу муносабат билан жойларда одам савдосига қарши курашишнинг зарурати ва бутунги кундаги долзарб масалалари ҳақида тушунириш ишлари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда.

Бу ишлар нафақат ойлик давомида, балки йил бўйи амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур режадан келиб чиқиб, вилоят, шаҳар-туман прокуратуралари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ҳамкор-

касб-хунар коллежларини таъминлаш ёшлар ҳисобига кенгайиб бораётгани кувонарли ҳол. Уларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий кўмак берилмоқда. Жумладан, касб-хунар коллежларининг 1543 нафар битирувчисига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тижорат банклари томонидан 8 млрд. 590 млн. 700 миң сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Вилоят бўйича 42 маротаба ўтказилган "Бўш иш ўринлари ярмаркалари" орқали касб-хунар коллежларининг 1360 нафар битирувчилари қорхона, ташилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тузилган меҳнат шартномалари қонунийлигини ўрганиш бўйича олиб бориладиган назорат тадбирлари натижаларига кўра 346 та ҳолатда қонунбузилиши аниқланди. Жумладан, 2 та ҳолатда иш бериш ваколатига эга бўлмаган, 32 та ҳолатда бўш иш ўрнига эга бўлмаган ҳужжатли юритувчи субъектлар билан меҳнат шартномалари тузилган. Шунингдек, назорат тадбирларида 6 та ҳолатда статистик органларга ҳисоботларини сохташатириш тақдим этилганлиги, 40 та ҳолатда меҳнат шартномалари, 33 та ҳолатда меҳнат дафтарчаларининг, 41 та ҳолатда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларнинг сохташатирилганлиги, 32 та ҳолатда "ACCESS" электрон базасига коллеж битирувчисининг бандлиги ҳақида нотўғри маълумот киритилганлиги маълум бўлган. Бундай қонунбузилишлар прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш орқали бартараф этилди.

"Соғлом бола йили" да бу йўналишда белгилаб олинган вазифаларимиз янада улкан. Уларнинг амалга оширилишида voyга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга эришиш зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

Рустамжон УМАТАЛИЕВ, Наманган шаҳар прокурори

ташилотлар билан биргалликда аҳоли ва ёшлар ўртасида ушбу жиноятнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунириш ишларини олиб бориш белгилаб олинди. Аммо ҳуқуқий органлар томонидан олиб борилаётган бу каби сазй-ҳаракатларга қарамай, нафс балоси ва ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш оқибатида шундай жirkanча жиноятни содир этиш ҳолатлари учрамоқда.

"Хар қим эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга", дейилади Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳамкорликка асосланганига қутулган самара бериши мумкин. Зеро, одам савдоси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг гайриқонуний ва гайрияхлқий равишда айнан инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши кечириб бўлмас жиноят, оғир гуноҳдир.

Алдов қурбонлари

Солиқ қонунчилигида тадбиркорларга берилган имтиёзлар

(Давоми.
Бошланиси 1-бетда)

Солиқ кодексининг 358-моддасига мувофиқ, ягона солиқ тўловларини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуруний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкда бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этидагидан юридик шахслар озод қилинди (бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно). Ушбу имтиёзн олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штадта баджодимлар киритилди.

Солиқ кодексининг 367-моддасига мувофиқ эса куйидагидан ягона ер солигини тўлашдан озод қилинди:

— Солиқ кодексининг 362-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидан назарда тутилган шартларга мувофиқ келган тақдирда, янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат

рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки йил муддатга. (Мазкур имтиёз тугатилган фермер хўжаликлари базасида ташкил этилган фермер хўжаликлари татбиқ этилмайдими);

— иختиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган иختиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган қундан эътиборан. Иختиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қуйидаги имтиёз ва преференциалар берилди:

— ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортнинг эркин алмаштирилган валютдаги улуши сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача ташкил қилса, ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси 30 фоизга, агар экспортнинг умумий

ҳажми 30 фоиз ва ундан кўп бўлса, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади;

— микрофирмалар ва кичик корхоналар (табиий газни транзит ва экспорт қиладиган корхоналар бундан мустасно) ўзи ишлаб чиқарган товар, (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилди;

— микрофирма ва кичик корхоналарга берилган преференцияга кўра, агар экспорт операцияларида хорижий валюта тушуми белгиланган муддати ўтгандан кейин 60 банк куни давомида келиб тушса, жарима қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, авваломбор, қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиё-

тини барқарор ва жадал ривожлантиришда аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини оқсальтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида 2012 йил II чорагидан бошлаб:

— қишлоқ жойлардаги маҳаллалар худудда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тиқувчилар, пойфазал, маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга;

— қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинадиган кир ювиш шохобчалари хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди.

Яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий

Жавлонбек МУФТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура бўлим
прокурори

белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш ва унификация қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги Фармонида асосан, халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати соҳасида фаолиятни амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорларни қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этиш бўйича солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январига узайтирилди.

Хулоса ўрнида, жамияти-мизни эркинлаштириш, бизнес юришти учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда тақомиллаштириб борилгани иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари

Ер юзида инсоният цивилизациясига доимий хавф солаётган илатлардан бири жиноятчилик бўлиб, у ҳамма вақт ечими топилиши шарт бўлган муаммо бўлиб келган. Ҳаёт тараққий этиб борган сари жиноятчилик ҳам ривожланиб, унинг хавфлилик даражаси ҳам ортиб борган. Ўз навбатида бу муаммони ечими ва уни бартараф этиш ҳар бир давлат ва жамиятнинг вазифаси бўлган.

Хозирги пайтда жамиятга жуда катта хавф ва муаммо бўлиб майдонга келган жиноятчиликнинг бир кўриниши коррупциявий жиноятчиликдир.

Дунёда кечаётган жараёнларни таҳлил қилиб, коррупцияни шахсий манфаат юзасидан, яъни моддий бойлик орттириш ёки қариндош-уруғчилик, маҳаллий тарафқашлик ёхуд бошқа паст ниятларда, давлат хизматида бўлган мансабдор шахсининг уюшган жиноятчилар билан бирлашиши ёки жиноий уюшма таркибида фаолият кўрсатишидир, деб таърифлаш мумкин.

Давлат мустикаллигига эришганимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилади, у давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Мамлакатимиз ПрезидентИ Ислам Каримовнинг "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида" номили асарида: "Жамиятда жиноий "хуфёна иқтисодиёт"нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражаларли вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирга тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиб ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониётларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар тўғрисидаги таъдирнинг ақибидан ҳаётнинг мураккаблиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдидидир", деб таърифланган.

Коррупцияга қарши кураш халқро муаммога айлангани боис, ўтган асрнинг 90-йилларида бошлаб бир қатор халқро ташкилотлар, яъни БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкило-

ти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва бошқалар томонидан қабул қилинган халқро ҳужжатлардан коррупциянинг халқро миқёсдаги зарарли таъсири ва оқибатлари, унга қарши кураш олиб боришнинг заруриги ҳамда йўллар тўғрисида тавсиялар берилди бошланди.

2003 йил 31 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси Коррупцияга қарши Конвенцияни қабул қилди ва у 2005 йил 14 декабрдан қуча кирди. Конвенцияда коррупцияга миллий тараққиёт ва халқро муносабатлар барқарорлигига таҳдид ва демократик институтлар ва қаҳриятларни қўрувчи илат сифатида баҳо берилган. Конвенциянинг "Коррупцияга қарши кураш чоралари" деб номланган бобида бу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги сиёсат ва амалиёт масалаларида давлатларнинг ёндашуви, коррупция вужудга келиши мумкин бўлган соҳаларда давлат томонидан кўрилиши лозим бўлган чоралар, бунда давлат органларининг вазифалари ва улар фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисидаги қоид ва тавсиялар мавжуд.

Хозирги пайтда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси халқро миқёсдаги асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва у 130 дан ортиқ давлатлар томонидан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳам 2008 йил 7 июль кунги Қонун асосида ушбу конвенцияга қўшилган.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар орқали амалга оширилмоқда. Буни 1997 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси ПрезидентИ томонидан қабул қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларини тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш

ишини яхшилаш ҳақида"ги, 1998 йил 19 ноябрдаги "Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирчилик ва бошқа суистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида"ги, 1992 йил 6 мартдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида"ги, 1994 йил 11 майдаги "Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан химоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва бошқа Қарорлари миқсодида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2013 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий химоя қилишни кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда ушбу фармон ва қарорларни бажариш юзасидан Вазирилар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январь кунги 3-сонли қарори билан уларга бир қатор ижтимоий имтиёзлар берилганлиги мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш доимий

Азимжон ЭРГАШЕВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК ўқитувчиси

ва тизимли равишда олиб борилаётганини кўрсатади.

Коррупциявий жиноят асосан давлат ҳизматчис томонидан содир этилиши боис, унинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, энг асосийлари куйидагиларда кўринади:

Биринчи навбатда, давлат хизматида ишлаётган баъзи мансабдор шахсларнинг маънавий қашшоқлиги. Маънавий қашшоқ инсон ҳеч қачон қаноатни билмайди, доимо моддий ҳолатини яхшилаш илинжида бўлади. Манманлик ва кибру ваҳога берилиб, мамлакат равақа учун, халқ учун хизмат қилиш муқаддас вазифа эканлигини, унутади.

Иккинчидан, аҳоли ҳуқуқий савдохонлигининг етарли даражада эмаслиги. Кўпчиликда ўз ҳақ-хуққини талаб қилиш ҳиссининг йўқлиги.

Учинчидан, "порахўрлик одатий ҳол даражасига айланб қолди, бусиз ҳеч ерда ишинг битмайди", деган фикрнинг пайдо бўлиб, жамиятда ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилиши.

Тўртинчидан, қонун талабларини менсимаслик, қонунларга итоаткорлик муҳитининг унутилиши, аҳоли кўз ўнгига қонун талаблари бир хиллиги таъминланганлиги бузилиши.

Бешинчидан, давлат хизматидаги мансабдор шахслар фаолияти устидан ижтимоий назоратнинг етарли эмаслиги. Айниқса, тўртинчи ҳокимият сифатида оммовий ахборот воситаларининг ўз ўрнини топмаганлиги.

Хулоса қилиб айтганда, дунёда ҳар нарсанинг қушандиси бўлгани каби; давлат ва жамиятнинг қушандиси коррупциядир. Унга қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартиб органларининг вазифаси, балки бутун жамият унга қарши кураш олиб бориши лозим.

Назоратни унутган назоратчилар

Мустақиллик шарофати билан юртимизнинг ҳар бир гўшаси-ю, чекка ҳудудлардаги хонадонларига элекстр чиррақлари ва табиий газ этиб борди.

Шу боис ҳам электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда истеъмолчи ва таъминотчи муассасалар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солуви ҳуқуқат қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий метёрлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг барчаси табиий ресурсларимизни асраб-авайлашга ҳамда улاردан оқилона фойдаланишга қаратилган.

Шундай бўлса-да, гоҳида истеъмолчи томонидан шартнома шартларининг бузилиши, гоҳида эса таъминотчининг нафси ҳақалак отиб, унинг ўзи ушбу қоидабузарликни маълум бир ҳақ эвазига қайд этмаслиги натижасида фойдаланилаётган табиий газ ва электр энергиясидан катта миқдордаги дебиторлик қарздорлик юзага келмоқда.

Жумладан, фуқаро Абдураимжон Собитов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Шахрихон туман Дўлан маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ўзига тегишли ҳаммомда "Ҳаммом ва Сауна хизмати" бўйича якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиб, муқаддам табиий газ тармоғига ўзбошимчилик билан улашиб, фойдаланганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўли-

шига қарамасдан, газ тармоғига қайта улашиб, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Шахрихон туман филиалига 9 млн. 345 миң сўм миқдорда зарар етказган.

СВОЖДЛҚК департаментининг Учкўприк туман бўлими ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда тумандаги "Шўхрат" хусусий агрофирмаси раҳбари Ш.Юлдашев ҳеч қандай ҳужжатсиз газ тармоғига улашиб, ғишт ишлаб чиқараётганлиги натижасида "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси маънафатларига 24 млн. 600 миң сўмлик зарар етказганлиги фош этилган бўлса, департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширишда фуқаро Х.Расулов ўзи раҳбарлик қилаётган маиший хизмат кўрсатиш уйида фойдаланиш учун табиий газ тармоғига ўзбошимчилик билан улашиб, "Марказгазтаъминот" унитар корхонасига жами 47 млн. 100 миң сўмлик зарар етказганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ўтказилаётган тезкор таҳлилларда шунингдек, республикамизда истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергияси ва табиий газдан мавжуд бўлган дебитор қарздорликни ундириш ўрнига жойлардаги муассасалар ходимлари ўз ваазифаларига масъулиятсизлик билан қараб, истеъ-

Жасурбек САТТАРОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг матбуот
гурӯҳи бош инспектори

молчилардан тамагирилик йўли билан пора олаётганликлари маълум бўлди. Жумладан, Пахтакор туман электр тармоқлари корхонаси электр энергиясини сотиш бўлими ҳуқуқшуноси ёрдамчиси Жамшид Норбўтаев нозоратчи Дилмурод Қаршиев билан олдидан тил бириктириб, фуқаро Э.Шариповнинг хонадонидан аниқланган қонунбузарлик ҳолати бўйича тузилган ҳужжатларни йўқ қилиб бериш эвазига товламачилик йўли билан ундан 100 миң сўм пулни олаётган вақтда ушланган. "Нарпайтумангаз" филиали муҳандиси Бектемир Болбеков ҳамда нозоратчи Алижон Рашидовлар эса ўзаро келишиб, фуқаро Н.Толибовнинг фойдаланган табиий газ истеъмолига оид расмий ҳужжатларини қалбақлаштириб, 1 млн. 572 миң сўмлик қарзини йўқ қилиб бериш эвазига ундан 700 миң сўм пул талаб қилишган. Мазкур ҳолат бўйича департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Б.Болбеков ўз хизмат хонасига жинорий шериги А.Рашидов билан Н.Толибовдан 700 миң сўм пулни пора тариқасида олган вақтда қўлга олинми, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ҳужжатларни қалбақлаштириш сири очилди

Алишер УММАТОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси
матбуот гурӯҳи катта инспектори

"Қишлоқхўжалиқкимё" корхонасининг раҳбарлари Илҳом Худойназаровнинг Пахтакор филмалига қарашли 2-сонли шохбчага мудир этиб ишга тайинлашни олдидан "Ҳалоқ ишлаб, фермерларга ҳар томонлама қўмақлашман" деган ваъдасини эшитиб, хурсанд бўлишган эди. Аммо раҳбарларнинг бу шогли узоққа чўзиммади.

Шоҳбчада минерал ўғитлар сақланаётганини кўрган Илҳомжоннинг ниёти бузилди. Ниётнинг бузилиши эса моддий жавобгар шахс сифатидаги масъулиятнинг унутилишига олиб келди. Орадан кўп ўтмай, ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-тороҳ қилишга қаратилган ноҳўя хатти-ҳаракатлар бошланди. Бу ҳол ҳужжатларни қалбақлаштириш жиноятида кўзга яққол ташланди. Мудир жаноблари ҳужжатларни қалбақлаштириш ҳисобига қиска фурсатда фермер хўжалиқларига 12 542,7 миң сўмлик моддий зарар етказди. Аввало умумий қиймати 2443,5 миң сўмлик 4,5 тонна минерал ўғитни "Исломо" фермер хўжалиғига қалбаки ҳужжат билан чиқим қилиб, жинорий ишга эшик очди. Ҳеч ким мушунини пишт демагандан кейин яна 544,5 миң сўмлик 1,8 тонна минерал ўғитни "Исломо" фермер хўжалигининг бўйнига "осиб" кўйди. Сўнгра 8 794,5 миң сўмлик 11 тонна аммофосни "Зоир" фермер хўжалиғига, 760,2 миң сўмлик 1,4 тонна суперфосфи "Хамроев Асадбек" фермер хўжалигининг бўйнига "илиб", анча енгиллашиб олди.

Вақт ўтар, Илҳомжоннинг эса кайфи чоғ эди. У фермер хўжалиқлари бўйнига осилган минерал ўғитларнинг пулини кутар эди. Аммо бу пуллари ундириш масаласи кўтарилганда, иш ойдinлашди. Минерал ўғитни олиш у ёқда турсин, ҳатто номини эшитмаган фермер хўжалиқлари раҳбарлари мудирнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини сезиб, тегишли ташкилотларга мурожаат этишди.

Жойнинг ўзида дастлабки суриштирув ишлари ўтказилиб, тўпланган маълумотлар туман прокуратурасига тақдим этилди ва ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари асосида жиноят иши қўзғатилди. Шундай қилиб, "Қишлоқхўжалиқкимё" корхонасига қарашли 2-шоҳбча-нинг виждонини ютган мудирига нисбатан суд томонидан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Мамлакатимизда амага оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдек хайри мақсадга қаратилгани билан эътиборга молик. Айниқса, бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич жорий қилиниши товарлар ҳажмининг ортишига, хизмат кўрсатиш тизимининг эса бир неча баравар кенгайишига олиб келди.

Баракани келтирмайдиган иш

Зафарбек НЕМАТЖАНОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Асака туман
бўлими бошлиғи

Мустақиллик шарофати билан бозорларимизда сифатли, талабга жавоб берадиган товарлар таклиф этилаётгани, аҳоли учун қулай хизматлар кўрсатилаётгани қувонарли ҳол. Лекин шу билан бирга, сифатсиз, қўлбола маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнида мижозларнинг манфаатига зарар етказиш каби салбий ҳолатларнинг ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш жоиз.

Жумладан, бўлимимиз ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро А.Рахимов тегишли, Андижон шаҳар Хидиралиев кўчаси 25-а" уйда жойлашган бино ерўласида фуқаролар Н.Орипов ва А.Норматовлар мойиужув дастоҳи ўрнатиб, пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, мойиужув дастоҳи, 91 литр пахта ёғи, 1845,9 кг. пахта чигити, 982,5 кг. кунжара, 52 турдаги анжомлар ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор-суриштирув тадбирлари давомида А.Рахимов ушбу маскани қўлбола усулда пахта ёғи ишлаб чиқариш учун фуқаро Ш.Маликовга ижарага берганлиги, Н.Орипов ва А.Норматовлар ёлланма иши сифатида ишлаётганлиги, Д.Абдуманноповнинг эса ўзига тегишли бўлган "Нексия" русумли автомашинада пахта чигити олиб келиш билан шуғулланганлиги аниқланди. Шунингдек, яширин равишда ташкил этилган цехга маҳсулот етказиб бериш манбасини аниқлаш бўйича олиб борилган тезкор тадбир давомида Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамиятида тола тозаловчи вазифасида ишловчи Н.Исомидинов чигитларни иш жойидан яширин равишда олиб чиқиб, ўзининг яшаш хонадонига тўплаб, ҳайдовчи Д.Абдуманнопов орқали Ш.Маликовга сотганлиги ҳам фош этилди.

"Асака-ёғ" ОАЖ ишлаб чиқариш марказий лабораторияси ашёвий далил сифатида олинган, қўлбола усулда ишлаб чиқарилган пахта ёғи ва кунжара маҳсулотлари давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги, Андижон вилоят ДСЭМН эса пахта ёғининг истеъмолига яроқсиз эканлиги ҳақида ҳулоса берган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролар А.Рахимов, Ш.Маликов, Н.Орипов, Д.Абдуманнопов, Н.Исомидинов ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Мазкур жинорий иш суд томонидан қўрилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Ҳулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш жоизки, истеъмолчиларнинг соғлиғига зиён етказувчи маҳсулот тайёрлаб сотиш орақасидан келган даромад ҳеч қачон баракани келтирмайди. Аксинча, ҳар қандай ноқонуний иш бир кун келиб фош этилгач, ушбу қимсаннинг махалла-қўй олдига юзи шувут бўлгани қолади, холос.



СВОЖДЛҚК департаментининг Ўзбекистон туман бўлими ходимлари томонидан валюта қимматликларини ғайриқонуний ўтказишга уринишларнинг пайини қирқиб ва олдини олиш чоралари қўрилмоқда. Яйпан шаҳри марказида жойлашган деҳқон бозори ёнида ўтказилган тезкор тадбирда ана шундай ҳолатнинг оли олинди.

Валютафурӯшнинг таноби тортилди

Ноҳир АШУРБЕОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Ўзбекистон
туман бўлими бошлиғи

Бир валютафурӯш харидорга АҚШ долларини сотиб олишни таклиф қилиб қолди.

— Нархи қанақа? — сўради харидор.

— Икки миң етти юз қирқ бешдан беряпмиз. Қанча керак?

— Ўн уч миң.

— Ҳозир ёнида бунча йўқ, — дея валютафурӯш харидорни уйига бошлади.

Ҳабибулло Юсупов уйдан харидорга 2 миң 700 АҚШ долларини 34 млн. 861 миң 500 сўмга сотаётганида ҳолислар иштирокида ушланди. У иш тополмай, валюта олд-сотдиси билан шуғулланиб, рўзгор тебратаётгани, бу иш нотўғри эканлигини тушуниб, тавба-тазарру қилди. Орадан бир неча кун ўтгач, ҳали суриштирув-тергов ишлари охирига етмай туриб, Х.Юсупов бозор ёнида бошқа бир харидор билан ўзаро келишган ҳолда 15 миң Россия рублини 85 сўмдан, 15 миң Қирғизистон сомини 57 сўмдан, 100 АҚШ долларини эса 2750 сўмдан сотаётганида яна қўлга олинди.

Суд валютафурӯшнинг айбига иқроорлиги ва қилишидан пушаймонлиги, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оиласининг ягона боқувчиси эканлиги ҳамда муқаддам судланмаганини инobatта олиб, унга энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, судланувчидан ашёвий далил тариқасида олинган 12 миң 800 АҚШ долларини, 15 миң Россия рубли ва 15 миң Қирғизистон сомни давлат эгалигига ўтказилди.

Фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг тугатишнинг ҳуқуқий асослари

Одил АМИРКУЛОВ,
Қашқадарё вилояти
прокурорининг катта ёрдамчиси

Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав фондларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодекси, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июндаги "Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Қарори ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 53-моддаси иккинчи қисмига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 1.3-бандига мувофиқ, корхоналарни тугатиш учун корхона муассислари (иштирокчилари)нинг қарори (ихтиёрий тугатиш) ёки ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори асос ҳисобланади.

Айни пайтда ФК 53-моддасининг иккинчи қисми ва мазкур Низомда қайд этилган қоидалар яқка тартибдаги тадбиркорларга, шунингдек, қонунда белгиланган муддат давомида молия-ҳўжалик фао-

лиятини амалга оширмаётган деҳқон ва фермер ҳўжаликларига нисбатан табиқ этилмаслигини таъкидлаш зарур. Ушбу Низом 3.1-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ корхона-ни ихтиёрий тугатишга киришилган ҳўжалик муассислари (иштирокчилари) ихтиёрий тугатишни амалга ошириши рад этган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, рўйхатга олувчи орган бир hafta муддатда ҳўжалик судига корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини белгиланган тартибда юборлади.

Бунда ариза агар корхона молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширилмаганлиги муносабати билан берилган бўлса, унга белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхалари, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонасида — уч ой мобайнида) молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширилмаганлиги тўғрисида банкнинг давлат солиқ хизмати органига тақдим этган ахбороти нусхаси тақдим қилинади. Шу билан бирга, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхонанинг мол-мулки бўлмаса ва (ёки) муассислари (иштирокчилари) бедарак бўлса — давлат солиқ хизмати органининг рўйхатдан ўтказувчи органига бундай корхонани тугатиш тўғрисидаги тақдимномаси, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган бошқа корхоналар бўйича эса, уларнинг фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсада мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосаси (қарори), рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассисларга (иштирокчиларга) корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги тақдимномада ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги хулоса тақдим қилинади.

чи далил, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) корхона-ни ихтиёрий тугатишни амалга ошириши рад этганлиги (мавжуд бўлганда) ёхуд муассисларни (иштирокчиларни) аниқлаш мумкин бўлмаганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши зарур.

Агар корхонани тугатиш ҳақидаги ариза устав фонди шакллантирилмаганлиги муносабати билан берилган бўлса, унга белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхалари, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда ўз устав фондини шакллантирмаган корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсада мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосаси (қарори), рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассисларга (иштирокчиларга) корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги тақдимномада ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги хулоса тақдим қилинади.

Бундан ташқари, ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ, корхона муассислари (иштирокчилари) бедарак бўлган тақдирда қайд этилган ҳужжатлардан ташқари аризага рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан корхонани тугатиш ҳараёни бошланганлиги тўғрисида матбуотда эълон берилганлигини тасдиқловчи далиллар, бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи, уй-ҳўжворлар ширкати, турар жой ёки нотурар жой мулкдори вакиллари томонидан берилган шахсининг рўйхатга олинган манзилида ҳозир бўлмаслиги ҳақида маълумотнома ёки да-

латнома ёхуд манзил маълумот бюроси томонидан шахсининг рўйхатдан чиқиб, бошқа ҳудудга кетганлиги ҳақида берилган маълумотнома ёхуд шахсининг вафот этганлиги ёки озодликдан маҳрум этиш жойларида эканлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

Низомнинг 3.1-бандига мувофиқ, рўйхатдан ўтказувчи орган молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўз устав фондини шакллантирмаган корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсада мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ҳисобга олиш кўрсатилган ҳудудда бошлаб бир hafta муддатда муассисларга (иштирокчиларга) асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда корхонани ихтиёрий тугатиш таклиф этади.

Агар корхона икки hafta муддатда (акциядорлик жамияти — бир ой муддатда) ихтиёрий тугатишга киришилмаган ёхуд корхона муассислари (иштирокчилар) ихтиёрий тугатиш амалга ошириши рад этган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган бир hafta муддатда ҳўжалик судига корхонани тугатиш тўғрисидаги аризани белгиланган тартибда юборди.

Низомнинг 5.2-бандига кўра, агар муассислари (иштирокчилари) бедарак бўлган корхонани тугатиш ҳараёни бошланганлиги тўғрисида матбуотда эълон берилган кундан бошлаб уч ойдан сўнг муассислар (иштирокчилар) кел-маса ёки топилмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган бир hafta муддатда корхонани тугатиш тўғрисида ҳўжалик судига ариза билан muroжаат қилади.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 330-моддасининг 4-бандига мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондини (ус-

тав капиталини) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича ариза-чи ва жавобгар ҳўжалик судларида давлат божи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июндаги "Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 5-бандига мувофиқ эса мазкур тоифадаги ишлар бўйича ариза-чи ва жавобгар суд чикимлари, шу жумладан, подча харажатларини тўлашдан ҳам озод қилинган.

Ўтган йили вилоят ҳўжалик судида жами 819 та ана шундай даъво аризалари кўриб чиқилиб, уларнинг 766 таси қаноатлантирилган ва юқорида қайд этилган тартиб-қоидаларга риоя этилмаганлиги боис, уларнинг 36 таси кўрсатилган қоидаларнинг 16 таси бўйича иш юришти тугатилган.

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган 327-сонли қарорининг 2-бандига қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзларнинг пайдо бўлишига йўл қўйган тағдиллаётган корхоналар мансабдор шахсларига нисбатан материаллар давлат солиқ хизмати органлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш ва давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш учун ҳуқуқчи мухофаза қилиш органларига белгиланган тартибда берилиши ҳам кўрсатилган.

Молия-ҳўжалик фаолиятда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилиши фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг сони кескин камайишига ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ғайриоддий суд



Франциянинг Тур шаҳрида ғайриоддий суд ҳараёни бўлиб ўтди. Қотиллик жинояти бўйича олиб борилган бу ишда судья марҳумнинг итини гувоҳ сифатида сўроқ қилмоқчи бўлди. Судья ит қотилни кўрган ва уни таниб қолган бўлиши мумкинлигини тахмин қилган. Оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, ўлабриб кетилган 27 ёшли йигитнинг қариндошлари, марҳумнинг Танго лақабли ити воқеага гувоҳ бўлган, эгаси ўлганидан кейин у асабий бўлиб қолди, тунлари яхши ухлай олмаганини таъкидлашган.

Булардан хабар топган судья "гувоҳ" билан боғланиш учун ветеринар мутахассисга muroжаат этди. Ажаблاندирисинки, "кўрсатмаларни текшириш" учун ҳудди шундай ёшдаги, аммо воқеаларга умуман алоқаси бўлмаган ит ҳам олиб келинди. Бу ит айбдорни таниб олиш ҳараёнида иштирок этиши, яъни гумонланувчинини кўрганга ҳар икки ит қандай муносабат билдиришига қараб хулоса чиқарилиши лозим эди.

Бироқ тажриба кутилган натижани бермади. Судьянинг талабига кўра, гумонланувчи қўлига калтак олиб, итлар-

нинг олдида тажовузкорона хатти-харақатлар қилди. Судьянинг фикрича, шу орқали Танго ўша машум кунни эслаб, қотилни таниб олиши керак эди. Лекин итлар бу ҳолатга бир хил, яъни бедарво муносабатда бўлишди.

Гумонланувчининг адвокатини эса бу тажриба жиддий ташвишга солди. Чунки шу пайтгача у масалага бундай ёндашувни кўрмаган эди. Шу боис, прокурорга muroжаат этиб, бу тарика "ўзлаштириш" хатто жониворлар руҳиятига ҳам салбий таъсир этганлигини таъкидлади.

Уганданинڭ ёввойи табиати мухофаза қилиш билан шуғулланувчи ташқиоти хошимлари томонидан тўрт нафар балиқчининг умрига зомин бўлганликда тахмин қилинаётган, вазни бир тонна келадиган улкан тимсох ушланди.



Халқаро ҳаёт

Одамхўр тимсох ушланди

Маълум бўлишича, қурбонларнинг қариндошлари сув юзасига чиқиб қолган қийим парчалари орқали яқинлари шу ерда ҳалок бўлганлигини аниқлашган. Шунингдек, яна бир қанча ҳудудларда балиқчиларга ҳамла қилган тимсох ҳам шу эканлиги тахмин қилинмоқда.

Тимсохни овлаш учун тўрт кун вақт сарфланди. Улкан металл қармоққа гўшт илиб, Виктория қўли соҳилига қўйишди. Жонивор хўрақни кўтиб, қўлга тушгач, уни кўпчилик бўлиб боғлашди ва юк машинасига ортишди. Энди тимсохни Мерчисон Фолс миллий хиёбонига топширишди.

Мутахассисларнинг фикрича, улкан тимсох камида саксон ёшда. Таъкидлаш жоизки, қўлга олинган одамхўр жонсон ўтган йили ўлган Лондон лақабли тимсохдан 47 килограммага енгил. Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган Лондоннинг узунлиги олти метрдан ошар, оғирлиги эса бир тонна эди.

БИЗНЕСГА МАДАДКОРМИЗ

Жорий йилнинг 9-10 апрель кунлари пойтахтимиздаги "Ўзқўрғазмасавдо" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VII йиллик "BankExpo-2014" миллий кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда. Тадбирда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ҳам тизимда жорий қилинган янги технология ва замонавий банк хизматлари билан иштирок этаётир.



Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармони билан ташкил этилган ушбу молиявий муассаса ўтган давр мобайнида мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда оилавий бизнесни ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айни пайтда банк ўзининг 85 та филиали ва 174 та минибанклари билан юртимизнинг турли ҳудудларида аҳолига микромолиявий хизматлардан фойдаланиши учун кенг имкони-

ятлар яратмоқда.

Банк ташкил этилганидан буён микромолиявий хизматлардан 332 мингдан ортиқ тадбиркорлар, шундан 135 мингдан зиёд аёл тадбиркорлар, 11 мингдан зиёд коллеж битирувчилари фойдаландилар. Ўтган вақт давомида 173 минг тадбиркорлик субъектлари 252 млрд. сўм миқдорига бошланғич сармояни шакллантириши учун имтиёзли микрокредит олиш имкониятига эга бўлдилар. Мазкур мик-

рокредитлар эвазига 173 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ва 350 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда банк томонидан аҳоли ва тадбиркорларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш маданияти тобора юксалиб бормоқда. Янги технологияларга асосланган хизматларни жорий этиш борасида мижозлар истагини ҳисобга олиб, уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, банкда аҳоли учун уч ойдан 15 йилгача бўлган 23 та муддатли омонат турлари жорий қилинган.

Бугунги кунда мобил-банкнинг тизимидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда. Хусусан, "СМС-банк" хизмати орқали 14300 нафардан ортиқ мижоз ҳисоб рақамлари бўйича ўзгаришларни қисқа муддатда мобил телефонларида олишмоқда. "Интернет-банк" тизими орқали масофадан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи мижозлар сони 200 нафарга етди. "Омонат-СМС" хизматидан фойдаланувчи омонатчилар 3300 нафардан ошди ва "СМС-Тўлов" хизматидан фойдаланувчилар 1100 нафардан зиёдни ташкил қилмоқда.

2013 йил якунига қадар муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 572,4 минг донага етди, шундан 405,9 минг донаси "Off-line" ва 166,5 минг донаси янги "On-line" тизимларида ишламоқда.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 20 мингта яқин корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари йўлга қўйилди ва уларда ишлайдиган 523 нафардан зиёд ходимларга пластик карточкалар эмиссия қилинди.

Банкнинг аҳоли фаровонлиги йўлида олиб боратган фаолияти "Mix-market", "Microfinanza ratings", "Fitch Ratings", "Financial Times Limited" каби бир қатор халқаро ташкилотлар, нуфузли рейтинг компаниялари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Ушбу кўрғазмада банкнинг тақлиф этаётган хизматлар, барча аҳоли қатламга, шу жумладан, ёшларимизга жуда манзур бўлмоқда.

Ўйлаймизки, улар ўз бизнес қояларини бизнинг банкимиз кўмагида амалга оширадидилар.

Банк матбуот хизмати

«Асака» банк — юрт равнақига камарбаста

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандик масаласини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тугган ўрни бекинди. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 9-10 апрель кунлари пойтахтимиздаги "Ўзқўрғазмасавдо" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VII йиллик "BankExpo-2014" миллий кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда. Тадбирда "Асака" банк (ОАЖ) ҳам тизимда жорий қилинган янги технология ва замонавий банк хизматлари билан қатнашяпти.

Шу ўринда "Асака" банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталсак.

Маълумки, ҳар йили банкимиз томонидан аъёнанинг тарзда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган турли номинациялар бўйича қўллаб-қувватлаш ўтказиб келинмоқда.

Банк жамоаси жорий йилда ҳам ушбу аъёнанинг давом эттириб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши янада рағбатлантириш мақсадида Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоят филиалларида ҳисоб рақами очиб, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида танлов ўтказди.

Танловда иштирок этиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватлаш тақдим этилди. Бунда асосий эътибор яратилаётган янги иш ўринлари, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари учун ташкил

этилаётган янги иш ўринлари сонига, ёш оилалар ҳамда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, шунингдек, ички истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда маҳаллий но-озиқ-овқат истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди.

Танлов натижаларига кўра, "Alvis Trend" МЧЖ, "Madador Plus" МЧЖ, "Multi-Plast" МЧЖ, "Multimix Bulding" МЧЖ, "Chinoz parranda" МЧЖ, "Go'zallik Maskani" оилавий корхонаси ва "Панжшерон" ФХнинг лойиҳалари танлаб олинди.

Танлов иштирокчиларининг лойиҳалари хизмат кўрсатаётган банк филиаллари томонидан кредитдан фойдаланганлик учун йиллик 12 фоиз устамга ҳақ тўлаш шарт билан молиялаштирилди.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўбга чикариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабаларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб воғна этказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича ҳам кенг қўламли, аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Қўрбошимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам мазкур йўналишдаги хайри ишларнинг бардавомлигини далолатидир.



Ёшларнинг таълим-тарбияси соҳасидаги ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишни мақсад қилган "Асака" банк жамоаси мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг тавсияномаларига асосан аъло баҳоларга ўқиётган, намунали ҳуққик ҳамда ўқиб-уқун контракт тўловини тўлашга эҳтиёжман бўлган I-III босқич талабаларига 2014-2015 ўқув йили учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорига имтиёзли шартларда таълим кредитлари ажратилиши режалаштирган.

Тадбир натижаларига кўра, республика бўйича жами 50 нафар талабага имтиёзли шартларда таълим кредитлари олиш бўйича сертификатлар топширилди ва "Асака" банкнинг филиаллари томонидан ўрнатилган тартибда таълим кредитлари ажратилиши таъминланди. Мухтасар қилиб айтганда, "Асака" банк томонидан кичик бизнесни қў-

ллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, банк кўмагида аҳолида тадбиркорлик қобилиятини шаклланди, кичик бизнес вакиллари иқтисодий таъминини янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, ёш тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўладими ёки олий ўқув юртларида тахсил олаётган ёшларимизнинг контракт тўлови учун таълим кредитлари ажратиш бўладими, буларнинг барчаси фаолиятимизнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланади.

Банкимиз, "BankExpo-2014" миллий кўрғазмасига ташриф буюраётган ёшларни нафақат қоқорилаги танловлар, таълим ва турли кредитлар билан таништирмоқда, балки, уларга ўз бизнесига эга бўлиш, уни ташкил этиш учун йўл-йўриқлар ҳамда бу борада банк кўмагини ҳам тақлиф этаётир.

Банк матбуот хизмати